

ЖАМИЯТ РИВОЖИДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ФЕНОМЕНИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

Сапарова Гулбахар Айтбаевна

Нукус давлат педагогика институти
фалсафа фанлари доктори (PhD), доцент

АННОТАЦИЯ

Мақолада инсониятни қизиқтирган вазифалардан бири бўлган ижтимоий меҳнат, ўз-ўзини англашнинг шаклланиши ва ривожланишининг бошланиши масалалари муҳокама қилинади. Жамият тараққиётида ўз-ўзини англаш ва маънавий қадриятларнинг ўзаро боғлиқлиги ёки концептуал вазифаларни ўрганиш жараёнида миллий, этник каби катégorик тушунчалар тафсифланади. Шунингдек, бугунги глобаллашув шароитида миллий ўзликни англаш эҳтиёжининг мунтазам ортиб боришида алоҳида ўрин тутади.

Калит сўзлар: жамият, маданият, маънавият, санъат, урф-одат, анъана, миллат, миллий ўзликни англаш, қадрият, диний эътиқод.

Кириш

Миллий ўзликни англаш феноменига назарий-фалсафий нуқтаи назаридан ёндашишдан шундай хулосага келиш мумкинки, биринчидан, индивидуал ва оммавий миллий ўзликни англаш онг ёки кундалик онг даражаларида ижтимоий-тарихий муносабатлар ва психологик жараёнлар таъсирида назарий даражага кўтарилиш имкониятига эга бўлиш мумкин; иккинчидан, оммавий ва кундалик онг даражасида миллий ўзликни англаш жараёнида сезги ва хиссиёт кучли бўлади ва бу даражадаги миллий психология фаол таъсир кўрсатади; учинчидан, миллий ўзликни англаш ривожидида маънавий ва маданий мерос ва муносабатларни билиб олинганлиги боис миллий ҳаётнинг бугунги ва истиқболи юзасидан фикр юритиб зарурий хулосаларга келиш қобилиятига эга бўлади; тўртинчидан, миллий ўзликни англаш тизим сифатида нафақат ўтмиш мероси, тарихий қадриятлар, диний қарашлар, шу билан бирга “миллатнинг манфаатлари, миллий тарққиёт эҳтиёжлари, ҳал этилмаган муаммолар, ниҳоят миллатнинг тарихий тақдири ҳақида қайғуриш”¹ юзага келади; бешинчидан,

¹ Межнациональные отношения: Термины и определения, словарь-справочник. – Киев, 1991. С.33-34.

миллий ўзликни англаш миллий онг ва миллатларнинг шаклланиши билан узвий боғлиқлигидан миллатлар ҳақидаги фикрларни ўрганишни тақозо этади.

Материаллар:

Миллий ўзликни англаш масаласи турли фан соҳаси мутахассисларининг анча вақтдан буён қизиқтириб келаётган тадқиқот объектларидандир. Қадимги дунё файласуфларидан тортиб, ҳозирги давр тадқиқотчилари бу масала билан шуғулланганлар.

Истиқлол йиллари халқимизнинг жаҳонга машхур аждодлари маънавий-маданий меросини тиклашга йўл очилиб, уни ўрганишга реал имкониятлар яратилди. Бундай бой маънавий мероснинг иждокорлари Шарқ алломалари: Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Ҳамид Ғаззолий, Азизиддин Насафий, Жалолиддин Румий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом ал-Бухорий, имом Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Хўжа Убайдуллоҳ Ахрор ва бошқалар ҳисобланиб, уларнинг асарларида ўзликни англашга оид турли назарий ва амалий фикр ва хулосалар ўз ифодасини топган. Бу аллома олимларнинг кўпқиррали ижодида олам ва унинг мавжудлиги, уни идрок этиш, одам ва халқлар руҳиятига оид диққатга молик фикрларни учратиш мумкин. Жумладан, Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида одамлардаги психологик бирлик ҳақида фикр юритилади, олимнинг фикрича, бундай бирлик меҳр-оқибат, ўзаро келишувни шакллантирган уруғ-қабилла муносабатларига асосланади. Шу билан бирга бундай бирлик хулқий нормалар ва тил бирлигига таянади. Яна Форобий одамларнинг борлиққа муносабатида ва ўзлигини англашида жамоавийликка бирлашиши зарур деб тушунади.

Усуллари:

Ҳар бир инсон яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун бир ўзи бундай нарсаларни кўлга кирита олмайди «...уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади».¹ Форобийнинг халқларни ўзига хос руҳий (психологик) бирлик ҳақидаги фикрлари улар ўртасидаги боғлиқлик хусусиятларини тушуниб етишга хизмат қилди. У ўзининг ижтимоий-фалсафий қарашларининг марказига инсонни, унинг орзу-умидларини, ахлоқий камолотга эришиш йўлларини кўрсатишни кўяди. Ахлоқий камолот деганда файласуф гўзал инсоний фазилатларни тушунади. Бундай фазилатларга инсон ўз-ўзини англаш ёки миллий ўзликни англаш орқали эришади. У бундай ёзади: «Ҳақиқатда ҳар бир борлиқ ҳеч сўзсиз ўз вужудига ўзига хос бўлган мартаба-энг юксак камолотга эришиш учун борлиққа келган. Инсон учун хос бўлган бу

¹ Абу Наср Форобий. «Фозил одамлар шаҳри». -Тошкент:А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. - Б.172.

камолотнинг номини энг етук бахт-саодат деб аталади».¹ Ўз-ўзини англаш инсоннинг камолотга эришишини муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир одам, миллат, элат, халқ ўз этник маданиятини, муайян этник гуруҳга мансублигини, кадриятлари, дини, урф-одатлари, анъаналарини билмай туриб комилликка эришиши қийин бўлади. Шунинг учун Форобийнинг қарашларида комилликка етишишга халақит қилувчи салбий омиллар: билимсизлик, нодонлик, дангасалик, онгсизлик кабиларни олдини олгандагина ўз-ўзини англашга, етукликка эришади деган фикрни илгари суради.

Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида халқларнинг тили, урф-одати, анъаналари, дини тўғрисида муҳим фикрлар билдирган. Олимнинг фикрича, одамга ташқи оламни, нарса ва ҳодисаларни, шу жумладан ўзи ҳақидаги билимларни идрок этиш учун ақл берилган. Инсоннинг ақлий қобилиятлари, фикрлаш, муҳокама қилиш, ўйлаб топиш, хотира оламини янада тиниқроқ тасаввур этиш учун инсонга берилган «Тангри тухвасидир». «Ақлий қобилиятлар туфайли инсон ташқи муҳитда содир бўлаётган ўзгаришларнинг бирини иккинчисига топширтиради, таҳлил қилади, ростни ёлғондан, адолатни адолатсизликдан, яхшини ёмондан, ҳақиқатни ноҳақдан ажратади».²

Яна Беруний «Ҳиндистон» асарида халқлар урф-одати, маросимлари, анъаналари, диний эътиқодларини ўрганишда қиёсий таҳлил методини қўллаб, халқларнинг, хусусан ҳинд халқларининг миллий хусусиятларини кўрсатиб, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнига эътибор қаратади. Айни чоғда ҳинд халқлари миллий кадриятларининг бошқа Шарқ халқлари урф-одат ва маросимлари билан таққослаб, улардаги умумийлик ва фарқларни кўрсатади. Бу жараённинг таҳлилида олим жўғрофий омилга алоҳида эътибор қаратади. Одамларнинг турли табиий-жўғрофий шароитда яшаши, уларнинг насл-насабидан ташқари ташқи қиёфасига ҳам таъсир кўрсатади. Яъни улар «...тузилишининг ранг, сурат, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларининг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ер (одам яшайдиган жой)ларининг турличалигида ҳамдир».³ Одамнинг яшаши, камол топиши ва ижтимоий шахс сифатида шаклланиши мураккаб жараён бўлиб, жўғрофий омил эса улардан бири сифатида келтирилган. Абу Али Ибн Сино фалсафа, логика, психология, этика, филология ва ижтимоий сиёсий масалаларга бағишланган кўп асарлар яратди. Олимнинг фикрига кўра, барча мавжудотларнинг асоси ва ибтидоси «вужуди вожиб»дир, яъни Тангридир. Вужуди вожиб- бу биринчи моҳият, ядродир. Шунинг учун олим одамлар гуруҳи

¹ Абу Наср Форобий . «Бахт саодатга эришиш ҳақида». Рисолалари. -Тошкент: 2002. -Б. 78-79.

² Абу Райҳон Беруний. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар». 1-жилд. -Тошкент: Фан, 1968. -Б. 486.

³ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар.1-жилд. -Тошкент: «Фан»,1968. -Б.23.

ёки алоҳида ягона одамнинг хулқ-атвори, ахлоқий фазилатлари, миллий хусусиятлари шаклланишини «вужуди вожиб» Олий Рух билан боғлайди. Шу билан бирга табиий руҳни ҳам эътироф этади. Унингча, табиий қувватлар эса, табиий руҳдан куч олади.¹

Ибн Синонинг меросида илм ва ахлоқ бирлиги масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Зеро, илм ва ахлоқий фазилат муштарақлигида инсон равнақ топади, доноликка эришади. Алломанинг фикридан шундай хулоса қилиш мумкинки: а) инсон ёлғиз ўзи бунга эриша олмаслиги шунинг учун жамият билан бирга яшашга интилади; б) инсонлар бир-бирлари билан ҳамкорликда ҳаёт кечиришлари учун моддий бойликларни тайёрлайди; в) илм-фан равнақи асосида маънавий, ахлоқий равнақга эришади; г) ҳар бир инсон ўзининг миллий хусусиятлари ва кадриятларини шакллантириб боради.

Натижалар:

Юқоридаги фикрларни мухтасар қилсак халқимиз маънавий мероси хазинасига, шу жумладан миллий хусусиятлар ва миллий кадриятларга улкан хисса қўшган олим-фузалоларнинг миллий ўзликни англаш ҳақидаги қарашлари алоҳида аҳамият касб этади. Бу олимларнинг асарларида ўз-ўзини англаш ва миллий ўзликни англаш алоҳида ажратилмаган бўлса-да бу масала оламни билиш, шахс ва жамият аъзоларининг маънавиятини шакллантириш муаммолари билан кўшиб олиб борилган.

ХУЛОСА:

Юқоридаги адабиётларда келтирилган ўзликни англаш классификациясининг бир қадар кенг тарқалган қарашлардан бири –ҳар бир цивилизация типига мос ижтимоий онг ва ўзликни англаш жараёни хосдир,

Миллий ўзликни англаш кўпқиррали, мураккаб жараёндир. Умумий шаклда шартли равишда уни икки асосий даражага бўлиш мумкин. Биринчи даражада миллий ўзликни англаш турли йўллар орқали ўзини бошқа кишилар билан қиёслаш натижасида амалга оширилади. Бундай ўзликни англашнинг асосий ички туйғусини ўз-ўзини кузатиш ва ўз-ўзини билиб олиш ташкил этади. Ўзликни англаш кўламига боғлиқ ҳолда махсус билимларнинг кенг тарқалганлиги уларнинг ҳаққонийлиги ва объективлигини субъект томонидан тўғри акс эттирилиши ҳамда ўзини-ўзи билиши(англаши) аксарият олимлар томонидан эътироф этилади

¹Абу Али ибн Сино. Тиббий рисоалар.-Тошкент.: «Фан»,1987.-Б.119.

Адабиётлар:

1. Межнациональные отношения: Термины и определения, словарь-справочник. –Киев,1991. С.33-34.
2. Абу Наср Форобий. “Фозил одамлар шаҳри”. -Тошкент:А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. -Б.172. Абу Наср Форобий . «Бахт саодатга эришиш ҳақида». Рисолалари. -Тошкент: 2002. -Б. 78-79.
3. Абу Райҳон Беруний. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар». 1-жилд. - Тошкент: Фан, 1968. -Б. 486.
4. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар.1-жилд. -Тошкент: «Фан»,1968. - Б.23.
5. Абу Али ибн Сино. Тиббий рисоалар.-Тошкент.: «Фан»,1987.-Б.119.